МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 1 июнь. Шанба №47 (908) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

БОЛАЛАР СПОРТИ

КЕЛАЖАККА РАҒБАТ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Президентимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида фарзандларимизда болаликдан спортга қизиқиш ва меҳр уйғотишга катта эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Баркамол авлодни вояга етказишдаги бу муҳим вазифани амалга оширишда фуқаролар йиғинлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган болалар спортини ривожлантиришга давлатимиз томонидан берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик туфайли Жиззах вилоятида ўтган йили республика болалар спортини ривожлантириш манзилли дастури асосида 11 та иншоот қурилди ва реконструкция қилинди. Жумладан, Бахмал туманидаги 7-умумтаълим мактабида 5-ТИП болалар спорт мажмуаси, тумандаги 44-сон, Жиззах туманидаги 54-сон, Янгиобод туманидаги 11-сон, Жиззах шаҳридаги 24-мактабларда янги спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди. Зомин туманидаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси реконструкция қилинди.

Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён вилоятда жами қурилган ва реконструкция қилинган иншоотлар сони 98 тага етди. Бундан ташқари, шу даврда Фонд ҳисобидан 54 та болалар спорт майдончаси қурилди ва жиҳозланди.

> [4]

КОНФЕРЕНЦИЯ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Навқирон авлод истиқболи мамлакат келажагини белгилайди. Айни пайтда ўғил-қизларнинг мукаммал таълим-тарбия олиши, тўлатўкис шароитларда меҳр ва ғамхўрлик остида улғайиши, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ратификация қилинган халқаро ҳужжатлардан бири ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси бўлди. Қолаверса, Конституциямиз ҳамда миллий қонунчилигимизда ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама кафолатлащдек мақсадлар мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош прокуратура ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда илмий-амалий конференция ташкил қилинди.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш омиллари» мазвусига бағишланган мазкур тадбирда ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада кўтариш, бунда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллиги тамойилларига сўзсиз риоя этиш, ёшларга таълим бериш жараёнида бунга масъул шахсларнинг масъулиятини ошириш каби масалалар муҳокама этилди.

> [2]

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Истиқлол йилларида фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб камол топиши, замонавий тиббий хизматдан фойдаланиши ҳамда таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бугун улар ҳар қачонгидан-да катта рағбат ва меҳрдан баҳра олаётир.

Мамлакатимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 28 май — 3 июнь кунлари «Ҳар бир болага меҳр, эътибор» шиори остида ўтказиладиган махсус ҳафталик ҳамда 1-10 июнь кунлари «Биз баркамол авлодмиз» 10 кунлиги белгиланди.

Мазкур ҳафталик ва ўн кунлик доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва унинг ижроси изчил таъминланаётир.

— Ҳамкор ташкилотлар билан биргa жойларда хайрия тадбирларини ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчиларини қамраб олган ҳолда юқори савияда ўтказиш белгилаб олинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Мактуба Орипова. — Вилоят, шаҳар ва туманлардаги маданият ва истироҳат боғлари, маҳаллалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларида болалар иштирокида театрлаштирилган тадбирлар, концерт дастурлари, фестиваллар, болалар ижодиёти кўргазмалари ҳамда оммавий сайр-томошалар бошланди.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Хоҳиш-истак ва қобилият уйғунлашганда

Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби битирувчиси Шаҳноза Норова келгуси таҳсилни туризм коллежида давом эттирмоқчи. У коллеждаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур ўқув муассасасида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни» тадбирларида мунтазам иштирок этди.

— Бухоро ўзининг бой тарихий маданияти, бетакрор меъморий обидалари билан дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келган, — дейди Шаҳноза. — Шу боис ҳудудда мазкур соҳага талаб доимо юқори. Қолаверса, болалигимдан жаҳон халқлари тарихи, тили, маданиятига қизиқишим туфайли шаҳримизга келган меҳмонлар билан суҳбатлашишни истардим. Айнан мана шу сабаблар туфайли таржимон-ҳамроҳлик касбини танлашга қарор қилдим. Дарвоқе, опам Шоҳиста ҳам мана шу коллеж битирувчиси. Иш жойи тайин. Ҳозир у «Срафцмен десигнер» корхонасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Демак, мен ҳам шу коллежда ўқисам, ўзимга муносиб иш топа оламан.

> [3]

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САХОВАТЛИ ЗАМИН САОДАТИ

Уч минг йиллик тарих

Муаррихларнинг ёзишича, ўзбек маҳалласи уч минг йиллик тарихга эга. Демак, халқимизга хос аҳиллик, меҳр-оқибат, елкадошлик, бағрикенгликнинг тарихи бундан-да қадимийроқ.

Маҳалла ўзининг ана шу бой тарихида кўплаб синовларни бошидан кечирган. Мўғул истилочилари, чор мустамлакачилари уни йўқотишга кўп бор уриниб кўрган. Маҳалла шўролар замонида, айниқса, кўп азият чеккан. Компартия томонидан ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида маҳаллага тинимсиз ҳужумлар уюштирилган — кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳужжатларда маҳаллага «миллатчиликни, динни ёйиш ўчоғи» сифатида баҳо берилган. Уни тезроқ тугатиб, ўрнига «авомнинг онгига партия ғояларини сингдиришга қодир янги тарғибот марказлари — «қизил чойхоналар» ташкил этиш»га уринишлар бўлган.

Бундай уринишлар беиз кетмаган: «маҳалла» атамаси инсон ва жамият ўртасидаги зиддиятни, эскилик ва жаҳолатни англатадиган тушунчага, қолоқлик тимсолига айланган. Маҳаллада яшайдиган одамларга паст назар билан қараш шакллантирилган. Маҳаллалар, асосан, йирик шаҳарларда тузилган ва ҳовли-жойларда яшайдиган аҳолини ўз ичига олган. Унинг ижро органи — қўмитанинг фаолияти ғоят чекланган: аҳолига «берилди ушбу справка шул ҳақдаким, мазкур фуқаро ҳақиқатан ҳам фалон маҳаллада яшайди» қабилидаги ҳужжатларни беришдан нарига ўтмаган.

Халқимизнинг мустақилликка эришиши кўплаб миллий қадриятларимиз сингари маҳалланинг ҳам қадимий анъана ва вазифаларини тиклаш ҳамда янада бойитиш имконини берди. Бугун мамлакатимизда маҳалла институти бераётган юксак самараларни бутун дунё катта ҳавас ва қизиқиш билан ўрганмоқда.

> [2]

ЧОРВАЧИЛИК

ҚУЛАЙ ШАРОИТ МЎЛ ДАРОМАД КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли иқтисодий ислоҳотлар боис кейинги йилларда аҳоли турмуши фаровонлашиб, даромадлари ошиб бораётир. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар ҳажми тобора ортмоқда.

2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробарга кўпайгани бу борадаги муваффақиятлар ҳақида муайян тасаввур беради. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда, хусусан, қишлоқларда иқтисодий барқарорлик ҳукм суриб, бунёдкорлик жараёнларининг авж олишида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш ортидан келаётган даромадларнинг ҳам улуши бор. Чунки айнан шу омил мамлакатимизда гўшт, сут, тухум етиштириш ҳажмини ошириб, дастурхонлар тўкинлиги, бозорлардаги нарх-навонинг мутаносиблигига замин ҳозирлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳар бир оилада чорва моллари парвариши, уни боқаётган шахсларга пенсия дафтарчаси очилиши каби юмушларни рағбатлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида чорва ишлари, айниқса, ибратга лойиқ.

Нуробод диёримизнинг гўзал манзарали ҳудудларидан. Тоғлар ёнбағридаги масканда чорва моллари кўпайтириш ҳам у қадар қийинчилик туғдирмайди. Иштиёқ ва меҳнат боис, қорамолчиликда қўшимча мўмай даромадга эга бўлиш мумкин. Аммо ҳамма гап, қулай шароитлардан унумли фойдалана олишда.

Иқтисодий етишмовчиликларни бартараф этишда кишиларнинг салоҳиятларидан унумли фойдаланиш, кам таъминланган оилаларга қорамол ҳадя этиш, чорва моллари парваришлашнинг афзалликларини тушунтириш орқали «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Нуробод тумани бўлинмаси вакиллари ҳам бандлик муаммосига, ҳам оилалар мустаҳкамлигига ҳисса қўшишаётир.

> [3]

ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Шеробод вилоятимизнинг катта ва аҳоли кўп яшайдиган туманларидан. Ҳудуддаги йигирмага яқин қишлоқда 170 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ғамбур, Киликон, Новбоғ, Шержон, Хатак, Вандоб, Қорабоғ, Майдон, Пошхурт каби тоғ ва тоғолди қишлоқларимизда яшаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш маданияти ва маънавиятини юксалтириш, қишлоқ ва қўрғонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида 48 та маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари қизғин иш олиб боришмоқда. Юртимизни обод қилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш орқали фаровон турмушини таъминлаш — бош вазифамиз. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритяпмиз. Обод турмуш йилида кам таъминланган оилалар рўйхатини шакллантирдик. Байрамлар, турли оммавий тадбирлар муносабати билан тумандаги ёрдамга муҳтож 7 та оиланинг уйи таъмирланиб, 45 та кам таъминланган оилага 11 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 1,5 минг оилага уч каналли радио бепул тарқатилди. Жумладан, «Чуқуркўл» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Дилбар Жўраева, «Чағатой» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Раъно Мейлиеванинг уйлари фонд ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига таъмирлаб берилди. Шунингдек, «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нуриддин Нуралиев, «Чинобод» маҳалла фуқаролар йиғинидан Гулбаҳор Шедаевага тўйларини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатилди. Туманимиздаги Сариқамиш қишлоқ фуқаролар йиғини ва унинг ҳудудидаги 5 та маҳалла фаоллари ташаббуси билан фермер хўжаликлари ҳомийлигида 5 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. Тўй ўтказаётган ана шундай оилаларга 700 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, 100 ёшдан ошган кексалар, собиқ байналмилалчи жангчилар, ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Уларга бир марталик пул мукофоти, ҳасса, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари ва совғалар топширилди. Бундай хайрли тадбирларни ташкил этишда туманимиздаги «Ғалаба», «Чинобод», «Ёшлик», «Ғўрин-Ғиламбоб», «Чағатой» ва Охунбобоев номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ибрат бўлишди. Халқимизда: «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак», деган нақл бор. Шундай экан, юртимизни обод қилиш, унинг осойишталигини асраш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва турмуш фаровонлигини ошириш ўз қўлимизда.

Абдураим МУҲАММАДИЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Шеробод тумани бўлинмаси раиси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МУРУВВАТДАН МАМНУН ҚАЛБЛАР

Кўркам ва замонавий қиёфа касб этган «Оқилон» спорт мажмуасига кирганимизда, завқ билан тўп тепаётган болалару теннис коптокчасини ирғитиш баробарида кўкка сакраётган қизалоқларни кўриб ҳавасимиз келди.

Маҳаллада болалар учун шундай қулайликлар яратилганидан хурсанд бўлдик. У ерда спорт билан шуғулланаётган болажонларнинг кўпчилиги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари. Улар йиғин томонидан спорт кийимлари билан таъминланиб, барча машғулотлар, тўгаракларда бепул шуғулланиш имкониятига эга.

> [2]

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Тадбир доирасида кам таъминланган оила фарзандлари, боқувчисини йўқотган болалар, ногирон ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳайвонот боғи, маданият ва истироҳат боғлари, қўғирчоқ театри, музей ҳамда хайрия концертларига бепул олиб борилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳафталик ва ўн кунлик доирасида болалар шоирлари, ёзувчи ва санъаткорлар билан маънавий-маърифий мавзуларда мактабдан ташқари таълим муассасалари ва болалар кутубхоналарида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари болажонларда илиқ таассурот қолдиради. Ўз навбатида, бундай тадбирлар ёш авлоднинг ижодга, китобга ва санъат асарларига бўлган қизиқишини оширади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг қуйи тузилмалари томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги, Нукус шаҳридаги Ажинияз ва Амир Темур номидаги ҳамда барча вилоятлар марказларидаги истироҳат боғларида махсус дастур асосида болалар томошалари ташкил этилаётир. Озод ва обод юртимиз бағрида камол топаётган қувноқ ва хушчақчақ болажонларнинг чиқишлари катталарга қувонч ва завқ улашмоқда.

— Бугунги фаровон ва дориломон кунларда улғаётган болажонларга қараб кўнглим яйраб кетади, — дейди пойтахтимизнинг Эски шаҳар мавзесидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласи масъул котиби Мурод Турсунов. — Улар маҳалланинг ўзидаёқ қизиққан спорт тўгарагида қатнашиш, болалар ижодиёти уйларида ҳунар ўрганиш, ўз иқтидорларини ривожлантириш имкониятига эга. Болалар майдончасида фарзандларимиз мириқиб ўйнашади. Йиғинимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир болага меҳр, эътибор» шиори остида табдир ўтказаётирмиз. Унда маҳалламиздаги ўн битта кўча бошлиқлари, 4-7 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари қатнашади. Байрам тадбирида болажонлар учун бериладиган совғалар ҳомийлар томонидан ҳозирлаб қўйилди.

Ҳа, юртимиз болаларига ғамхўрлик ва эътибор нафақат мана шундай тадбирларда, балки ҳар куни уларга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббатимизда яққол намоён бўлади.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САХОВАТЛИ ЗАМИН САОДАТИ

< [1]

Кўкдала тажрибаси

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида вазифаларнинг бир қисмини жамоат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг маҳалла каби ноёб ўзини ўзи бошқариш йиғинларига босқичма-босқич ўтказишга эришилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётир.

Бугун ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятда юксак маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида фаол иш олиб бораётир.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият ваколатига кирган ўттиздан зиёд ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажармоқда. Маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари маҳаллаларни ободонлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оила ва эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, оилавий маросимларни ихчам ўтказишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ва жамият қурилишида фуқаролик институтлари, жумладан, маҳалланинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида маҳалла бугун аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айланиб бормоқда. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилмоқда, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банклардан кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар иштирокида 2012 йилда 633 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу 2011 йилдагига нисбатан уч баробар кўпдир.

Бундай хайрли ишларни Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўкдалада чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, жумладан, гиламдўзлик ва каштачилик соҳалари изчил ривожланмоқда. Қишлоқ ҳунармандлари тайёрлаётган маҳсулотлар, соҳибкорлари етиштираётган полиз маҳсулотлари бугун нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир. Ҳолбуки, йигирма йил илгари мазкур қишлоқ аҳолиси тарвуз-қовунни ҳам қўшни туманлардан сотиб оларди. Бугун қишлоқда уч юздан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида юздан ортиқ хонадон газлаштирилди. Барча хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўз фаолиятида мана шундай кўплаб ютуқларга эришаётган Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини 2012 йилда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар қишлоғимиз аҳолиси ҳаётида ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умар Жўлбулов. — Бугун аҳоли ўз муаммоларига ечим топишда маҳаллани энг яқин кўмакчи, деб билади. Орттирган тажрибамиз бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш, маҳалланинг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ўзбек бренди

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

Бу қонунлар билан маҳалланинг ваколатлари, вазифалари ва масъулияти кўлами янада кенгайди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида маҳалланинг вазифаларини кенгайтиришга қаратилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун эса бой ҳаётий тажрибага эга ҳамда аҳолининг ҳурмат-эътибори, ишончини қозонган муносиб инсонлар фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиси этиб сайланишини, мазкур сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг очиқлигини таъминлаш имконини беради.

...Одатда хайрли ишларни ўзлаштиришга уринувчилар кўп бўлади. Ўзбекистонда маҳалла институти бераётган юксак самараларни кўриб, уни ўз мамлакатида жорий этишга ҳаракат қилганлар ҳам бўлди. Лекин хориж матбуоти ёзганидек, «бундай ҳаракатларда оқилона иш юритиш, изчиллик ва ташаббускорликнинг етишмаганлиги сабабли кутилган натижани бермади. Оқибатда маҳалла институти бошқа яна кўплаб маданий, тарихий ва сиёсий тимсоллар сингари бугун том маънодаги ўзбек, Ўзбекистон брендига айланди».

Ҳа, эзгу ишлар оқилона иш юритилган, изчил, астойдил ва аҳиллик билан меҳнат қилинган саховатли заминдагина юксак самаралар беради.

Қ.ОЧИЛОВ
(ЎзА)

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МУРУВВАТДАН МАМНУН ҚАЛБЛАР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Шайхонтоҳур тумани «Оқилон» маҳалласи пойтахтимиздаги намунали йиғинлардан. Ҳудуддаги 690 та оилада 4800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Хонадонлардаги хотиржамлик, тўй-маъракалардаги ҳамжиҳатлик йиғин фаолларининг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан дарак. Бу борада йиғин қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда.

— Фаоллар билан бирга хонадонларга ташриф буюриб, оилаларнинг аҳволини ўрганиб чиқамиз, — дейди «Оқилон» маҳалла фуқаролар йиғини ва Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси раиси Шуҳрат Азимов. — Бугунги кунда ҳудудимизда 50 та эҳтиёжманд оила мавжуд бўлиб, уларга зарур ёрдамлар берилмоқда. Бундан ташқари, 2 ёшгача, 14 ёшгача фарзанди бор ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳам рағбатлантиряпмиз. Моддий ёрдам пуллари тўланишини сўраб ариза ёзган фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилади. Белгиланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги мезонлар асосида хонадоннинг турмуш шароити мукаммал ўрганилиб, зарур ҳолларда кўмак ажратилади.

Ўзбек халқининг тўй-маъракаси кўп. Ҳамма ҳам тўй қилгиси, одамларни меҳмонга чорлагиси, фарзандлари кўзларидаги қувончни кўргиси келади. Ана шундай оилавий маросимларда маҳалла аҳли бош-қош. Улар тўйларни камхарж ва тартибли ўтишини таъминлаш билан бирга, тўй қилиш ниятидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғин томонидан 2 та эҳтиёжманд оила фарзандларининг никоҳ маросимлари ўтказилишига кўмаклашилди. Шунингдек, 3 нафар тўйбошига ёрдам кўрсатилди. Уй-жойлари таъмирлаб берилди ҳамда ун, гуруч, ёғ, мева ва сабзавотлар бепул тарқатилди. Бундан ташқари, 7 та хонадонга гилам совға қилинди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан бири уларнинг аъзоларини иш билан таъминлашдан иборат. Бугунги кунда «Оқилон»да тикувчилик ва каштачилик цехлари ташкил қилиниб, унга моддий кўмакка эҳтиёжманд 60 нафарга яқин хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Албатта, бунинг натижасида уларнинг турмуши фаровонлашди. Цехда меҳнат қилаётган маҳалла қизлари ва келинлари тушлик овқатлари билан ҳам таъминлангани эътиборга лойиқдир. Бу каби хайрли ишларда ҳомийлар кўмаги беқиёс.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, тадбиркорларни эзгу ишларга жалб қилишда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзолари Абдусаттор Қорабоев, Хайрулла Раҳматуллаев ва Мунаввар Икромованинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар ҳомийлик маблағлари асосида жорий йилда 9 та кам таъминланган оиланинг 3 млн. 600 минг сўмлик коммунал тўловларини тўлашга кўмаклашишди. Шунингдек, 1 нафар фуқарони касалхонага жойлаштириб, даволанишига ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, моддий жиҳатдан қийналган оилалардаги беморлар, қариялларнинг дори-дармонларини ҳомийлар ёрдамида олиб берилишини таъминлашга ҳам комиссия аъзолари бош-қош.

— Маҳалладошлар уйимга йўқлаб келишганидан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 93 ёшли Обиджон Саидалиев. — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар вазирлиги, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари ходимлари камтарона хизматимни юқори баҳолаганларидан мамнун бўлдим. Хурсандчилигимиз гузарда ўтказилган сумалак ва паловхонтўра сайилларига уланиб кетди.

Маҳаллада катта тараддуднинг ғувоҳи бўлдик. Йиғин раиси 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига тайёргарлик ишлари кетаётганини айтди. Болалар учун бир қанча совғалар ҳозирланаётгани, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига кийим-кечак, китоблар, турли хил ўйинчоқлар, ҳатто компьютер жамланмалари тарқатилишини эшитганимизда юртимизда эҳтиёжманд аҳоли доимий эътиборда эканидан кўнглимиз ғурурга тўлди.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

КОНФЕРЕНЦИЯ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

< [1]

— 30 миллиондан зиёд мамлакат аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилади, — дейди анжуман иштирокчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов. — Шундай экан, бола ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланиши катта аҳамият касб этади. Бу борада Парламент назоратининг ўрнатилиши, бола ҳуқуқларига оид қонун ижодкорлигини такомиллашуви натижасида бугунга келиб 20 дан ортиқ кодекс ва қонунларда бола ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Қолаверса, фарзандларимиз манфаатларини кўзлаган 5 та халқаро Конвенциянинг имзоланиши ва бу ҳужжатлардаги меъёрларнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани ҳамда таълим муассасалари, маҳаллаларда муттасил тарғиб этилаётгани болажон давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигидан далолатдир.

Ушбу саъй-ҳаракатлар боис, юртимизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик содир этилиши 30,5 фоизга камайишига эришилди. Халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётган ютуқлардан бири ҳам жаҳоннинг бошқа давлатларида болалар жиноятчилиги 18 фоиз ва ундан юқорини ташкил этса, юртимизда бу кўрсаткич 2-3 фоиздан ошмаслигидир.

Шу ўринда болаларимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг ҳам аҳамиятини таъкидлаш зарур. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси таркибидаги ташкилотлар ҳамкорлиги кейинги йилларда тубдан яхшиланиб, комплекс дастурлардаги иштироки ортгани ҳам бу борадаги ютуқларга омилдир. Болалар масаласида миллий қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш даражаси ўсгани фарзандлар келажаги йўлида давлатимизнинг оқилона сиёсат юритаётганидан далолатдир.

— Энг қувонарлиси, жаҳон тажрибасида учрамаган самарали ҳамкорлик — «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» концепцияси асосида томонларни яраштириш ва зиддиятларни ҳал қилиш амалиётининг йўлга қўйилгани ҳаётбахш натижаларни берди, — дейди Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари раҳбари, юридик фанлари доктори Толибжон Умаров. — Ушбу олтин силсиланинг ҳамжиҳат фаолияти юртимизда ҳуқуқбузар болалар ва уларнинг ота-оналарида масъулият ҳиссини оширди. Келгусида кўзланган мақсадларга эришишда ҳам вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид фаолиятни энг илғор ғоялар билан суғориш, хусусан, «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз лозим.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Қизғин мунозаралар руҳида ўтган илмий-амалий конференцияда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, вояга етмаганлар муҳитида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мутасадди ташкилотлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ

ФАРЗАНД ИСТИҚБОЛИ — ЮРТНИНГ ҚУДРАТИ

Ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд кўриш бахтли воқеа саналади. Чунки фарзанд оила кўрки, хонадоннинг ёниқ чироғи, насл давомийлигини таъминловчи воситадир.

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам халқимизга хос болажонлилик, оила, она ва бола манфаатларини ҳимоя қилишдек мақсадларга қаратилган бўлиб, бу борада кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалдаги қонунларимизда ҳам келажак ворисларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга ғамхўрлик қилишдек эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган. Қувонарлиси, демократик андозалар асосида такомиллашиб бораётган қонунчилигимиздаги янгиликлар соҳадаги муносабатларни янада аниқлаштиришга хизмат қилаётир.

Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш, қўшимча ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида бевосита «...фарзандликка олиш механизмини такомиллаштириш...» вазифаси ҳам қўйилган эди.

Унинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг тегишли бандида Оила, Фуқаролик процессуал кодексига болаларнинг ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқларини суд томонидан муҳофаза қилишни кучайтиришга ҳамда болаларни тарбиялаш муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алиментларни ундириш тартибига йўналтирилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш вазифаси юклатилди.

Бундай хайрли ишлар самараси ўлароқ фарзандликка олиш билан боғлиқ қонунчилик янада такомиллаштирилди. Айни пайтда ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар фарзандликка олиш институтини ҳар томонлама ҳимоя қилади.

Давлатимизнинг оила масаласидаги сиёсатининг муҳим йўналиши ҳам болаларни фарзандликка олиш орқали оилада бола тарбиясининг устуворлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир фарзанднинг бахтиёр болалигини таъминлаш, энг асосийси, фарзандсиз оилаларни сақлаб қолиш, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тўлақонли оилада камол топишига эришишга қаратилган.

Одатда боланинг насл-насаби биологик ва юридик омиллар орқали вужудга келади ҳамда расмийлаштирилади. Лекин қонунчилигимизда биологик ва юридик омил биргаликда вужудга келмайдиган ҳолатлар ҳам борки, оила ҳуқуқидаги болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга бериш, суррогат (қондош) она тушунчалари бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ўзида ота-оналикнинг фақат юридик омилларини ифодалайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий давлатларнинг Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Фуқаролик процессуал қонунчилик тажрибасида фарзандликка олиш маъмурий тартибдан суд тартибига ўтказилади. Бу айни пайтда кафолатли ҳамда фарзандликка олиш сирини сақлашда, ушбу жараённи қалбаки ҳужжатлардан ҳимоялашда, юридик жиҳатдан малакали шахслар томонидан фарзандликка олишни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур асосларга кўра, эндиликда юртимизда фарзандликка олиш фуқаролик судлари томонидан амалга оширилади. Бу эса, фарзандсиз оилаларни сақлаб қолишга, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчиларнинг манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлиси Сенати томонидан Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг «Алоҳида тартибда иш юритиш»га бағишланган 4-кичик бўлими «Фарзандликка олиш» деб номланган 31-боб билан тўлдирилди. Бу тартибнинг жорий қилиниши, ўз навбатида, васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатларининг айрим жиҳатларини (халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими), ҳокимликларни ушбу ваколатни амалга оширишдан озод этади.

Оила қонунчилигида фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги норма сақланиб, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги норма чиқариб ташланишини тақозо қилади. Судлар томонидан фарзандликка олиш алоҳида иш юритиш тартибида кўриб ҳал қилинганда, бу борада пухта процессуал механизм яратилиши таъминланади. Бундай хайрли ташаббуслар орқали фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчи манфаатлари устуворлигига, албатта, эришилади. Суд амалиётида учраётган болалар тарбияси билан боғлиқ, хусусан, фарзандликка олишни бекор қилиш ва фарзандликка олишни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низоларнинг камайишига олиб келади.

Яна бир муҳим жиҳат: эндиликда фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган фуқаролар томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар орқали фарзандликка олишнинг миллий процессуал қонунчилик учун янгича тартиби жорий этилди. Судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси ва уларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза ва унинг мазмуни янада бойитилиб, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар туркумига аниқлик киритилди. Фарзандликка олишда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан бериладиган хулоса мазмуни ойдинлаштирилди. Шунингдек, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, мазмунан кўриш ва ҳал қилув қарори чиқариш, ижро этиш каби процессуал механизм ишлаб чиқилиши эса, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва шундай турдаги низоларга оид нормаларга эҳтиёж қолдирмади.

Бола ҳуқуқларига оид нормаларнинг бу каби такомиллаштирилаётгани эртамиз эгаларининг истиқболи, баркамол инсон бўлиб вояга етиши, болаликнинг беғубор дамларини яқинлари ва давлатимиз ғамхўрлиги, ҳимояси остида ўтказиш имконини бериши шубҳасиз.

Замира ЭСОНОВА,
Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари доктори.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

ХОҲИШ-ИСТАК ВА ҚОБИЛИЯТ УЙҒУНЛАШГАНДА

Т.ИСТАТОВ олган сурат.

< [1]

Айтиш жоизки, бугун вилоятда Шаҳноза сингари ҳар бир мактаб битирувчиси қизиқишлари ва қобилиятлари доирасидаги мутахассисликни танлаб, шунга мос коллежларга ўқишга киришга тайёргарлик кўрмоқда. Бунда туманлардаги халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ўқувчиларни касбга йўналтириш борасидаги амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этаётир.

— Мактаб ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятига кўра касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги жараённи улар юқори синфга қадам қўйиши биланоқ бошлаймиз, — дейди ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис марказининг вилоятдаги вакили Олим Ҳафизов. — Дастлаб, таълим муассасалари фан ўқитувчилари, руҳшунос ходимлар билан ҳамкорликда босқичма-босқич 5-9-синфларда ўқувчининг муайян касбга интилиши ва иқтидорини аниқлаб берадиган фанга оид ва психологик тестлар олинади. Сўровномалар уюштирилади. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностикасини таъминлаш кичик гуруҳларида йиллар давомида ўтказилган ана шу тестлар якунлари таҳлил қилингандан сўнг 9-синф битирувчисининг муайян касбга нисбатан лаёқати аниқланади.

Тўғри, ана шундай узоқ жараёндан кўра, ўқувчининг сўровнома асосида ўзи қизиқиш билдирган мутахассислик асосида ўқишга йўналтириш осонроқ. Аммо бу ёшдаги ўсмирлар табиатан ўз имконият ва қобилиятларини тўғри баҳолай олишмайди. Шу боис касб танлаш жараёнида ўзгалар, чунончи, тенгдошлари ёки ота-оналари даъвати, қистови билан иш тутишади. Масалан, сўровномаларга кўра, аксарият қизлар тиббиёт ёки педагогика йўналишидаги коллежларда ўқиш истагида. Аммо фақат хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилади.

Қолаверса, бу ўринда меҳнат бозори талабларини ҳам инобатга олиш лозим. Ана шундай кезларда ўқувчилардан турли йилларда олинган тест натижалари хулосалари ёрдам беради. Агар умумтаълим тестлари ўқувчининг қайсидир фан бўйича билимини баҳоласа, психологик тестлар улардаги иқтидор учқунларини намоён этади.

— Шу ўринда вилоятимизда жорий этилган яна бир ибратли тажриба хусусида тўхталсак, — дейди О.Ҳафизов. — Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори асосида ҳудудда барча иш берувчи корхона-ташкилотлар раҳбарларидан таркиб топган, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг ҳар бир йўналиш ва комплексини қамраб олган 38 та ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур ишчи гуруҳлари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўқув амалиётларини ташкил этиш баробарида, ҳар бир корхона-ташкилот кесимида яқин беш йилликда яратиладиган истиқболдаги иш ўринларини аниқлайди. Бу эса, ўқувчининг коллеж остонасига қадам қўймасиданоқ танлаган касби бўйича қаерда ишга жойлашиши ҳақида маълумотга эга бўлиши ҳамда шунга мувофиқ билим ва ҳунарни пухта ўзлаштиришга киришишини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, ўқувчиларни касб-ҳунар таълимига йўналтириш борасида фақатгина таълим муассасалари эмас, балки ижтимоий шериклик асосида кенг жамоатчилик ҳам фаол иш олиб бормоқда. Қувонарлиси, бу хайрли ишда маҳалла ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги ишларимиздан бири ҳудуд ёшларини ўзига муносиб касб-ҳунарга йўналтириш ҳисобланади, — дейди Бухоро шаҳридаги «Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайдар Қораев. — Айни пайтда маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиш, дизайнер, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби турли соҳа эгаларига эҳтиёж бор. Биз мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашиш жараёнида шулар хусусида маълумот бериб, касб танлашда ўз қобилияти ҳамда меҳнат бозори талаби асосида ёндашиш кераклигини уқтирамиз. Мазкур ҳаракатларимиз натижасида вилоятдаги 30799 нафар битирувчининг барчаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этаётир.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

«ЭКОҲАФТАЛИК — 2013»

Атроф-муҳитни асрайлик

Юртимизда 5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 25 йиллиги муносабати билан «Экоҳафталик — 2013» ҳафталиги бошланди.

Экологик ҳафталик Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Глобал экологик жамғармасининг кичик лойиҳалар дастури ва Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТТДнинг Ўзбекистондаги экологик барқарорликни таъминлаш бўйича лойиҳалари билан таништиришга қаратилган кўргазма намойиш қилинди. Унда қатор вазирлик, қўмита, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маданият ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар ва журналистлар иштирок этди.

Ҳафталикнинг очилишида Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси, сенатор Холмурод Каримов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров, БМТ ва БМТТДнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер ва бошқалар маъруза қилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда атроф-муҳитни асрашга нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлари, балки ҳар бир инсон масъулдир. Мамлакатимизда атроф-муҳит зарарланишининг олдини олишга йўналтирилган қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни ҳар йили экологиянинг муайян долзарб муаммосига бағишланади. Жорий йил чиқиндилар масаласи кун тартибига қўйилган.

Зеро, бутун дунёда хўжалик фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнларида табиатга тонналаб чиқиндилар ташланади. Бу эса, табиий ресурсларнинг исроф бўлишига ва теварак-атрофнинг ифлосланишига олиб келади. Шу боис барча тармоқларда ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш, чиқитларнинг инсон саломатлиги ва табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш долзарб вазифага айланган.

«Экоҳафталик — 2013» тадбирлари 5 июнгача давом этади. Ҳафталик доирасида кўргазмалар, илмий-амалий конференциялар, медиа-турлар, болалар экологик танловлари, электр энергияси ва сув ресурсларини тежаш технологиялари тақдимотларини ўтказиш режалаштирилган.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ЧОРВАЧИЛИК

ҚУЛАЙ ШАРОИТ МЎЛ ДАРОМАД КАФОЛАТИ

< [1]

— Бўлинмамиз томонидан турмуш ободлигига эришиш мақсадида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Нуробод тумани бўлинмаси раиси Орол Тожиев. — Иқлим ва табиий шароитларимиздан келиб чиқилса, чорва моллари-ни кўпайтириш орқали оилага қўшимча даромад киритиш энг қулай йўл. Туманда зотли қорамоллар парваришини йўлга қўйиш мақсадида 21 та сунъий урчитиш шохобчаси ишлаб турибди. Бунинг натижаси ўлароқ, хориж фермер хўжаликларидан келтирилган қатор ноёб турли наслдор моллар кўпаймоқда. Қорамол парвариши билан банд бўлган кишиларга меҳнат дафтарчалари жорий этилган.

Коллеж битирувчиларидан ҳам аксарияти қорамолчиликни ривожлантириш истагида. Жумладан, айнан шу мақсадда Нурбулоқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 13 нафар битирувчисига банклардан имтиёзли кредитлар олишларига кўмаклашдик. Шунингдек, Обод турмуш йилининг шу даврига қадар «Халқ банки»нинг туман филиали томонидан 22 нафар кишига 104 миллион, «Миллий банк»дан бир кишига 6 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундай хайрли чора-тадбирлар йил давомида амалга оширилади.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида парваришланаётган қорамоллар сони йил сайин ортиб, ҳозирда 10 миллион 141 минг бошга етган. Молларнинг туёғи кўпайиши ва насли яхшиланиши маҳсулот етиштириш ҳажмининг ортишида муҳим омил бўлмоқда. Мустаҳкам оила йилида аҳоли дастурхонига 1,7 миллион тонна гўшт, 7 миллион 310 минг тонна сут етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичлар янада юксалиб, турмуш ободлигига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ИБРАТ

Байрам тўйга уланди

Риштон туманидаги «Марказ» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Нилуфар Қўлдошеванинг қувончи чексиз.

Чунки унинг суюкли дилбандлари Азаматжон, Ҳасанбой ва Ҳусанбойнинг хатна тўйи катта тантана билан ўтказилди. Саховатпеша инсонларнинг ҳамжиҳатлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган тўйга вилоят ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош-қош бўлди.

Шу куни маҳалла марказида тадбиркор Собиржон Юлдашев саъй-ҳаракати билан қуриб битказилган маҳалла гузари ҳам илк бор ўз эшикларини очди. Эрта тонгда янграган карнай-сурнай, доираю ноғоралар жаранги бутун маҳаллани тўй ошига чорлади. Катта ҳаётий тажрибага эга нуронийлар тўйболаларга эзгу тилаклар билдириб, дуолар қилишди.

Тўйболаларнинг ҳар бирига сарпо, велосипед ва қимматбаҳо совғалар инъом этилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган белбоғли кураш, маҳалла ёшларининг волейбол мусобақалари тадбирга ўзига хос жозиба бахш этди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ФЕСТИВАЛЬ

«Танлаган касбинг — сенинг бахтинг»

Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида «Танлаган касбинг — сенинг бахтинг» шиори остида касблар фестивали бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ҳудуддаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ташаббуси билан уюштирилган мазкур тадбирда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, битирувчилар, уларнинг оталари иштирок этди.

9-синф битирувчилари учун мўлжалланган ушбу фестиваль касб-ҳунар коллежларида амалга оширилаётган таълим ва касбга йўналтириш жараёнлари, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг бўш иш ўринлари кўргазмаси билан ҳамоҳанг бўлди. Унда мактаблардаги тўгаракларнинг иш фаолияти, касб-ҳунар коллежлари ўқув амалиёт устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Жорий ўқув мавсумида Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 54 мингдан зиёдини 9-синф битирувчилари ташкил этади. Улар кейинги таҳсил жараёнини вилоятдаги 153 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда давом эттирадилар.

Фестивалда мактаб битирувчиларига ўзлари қизиққан ва танлаган касблари бўйича сабоқ берувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, уларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ҳамкорликдаги лойиҳа

Жиззах давлат педагогика институтида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда Осиё тараққиёт банки «Санитария ва гигиена» йўналиши лойиҳасининг иштирокига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда ОТБ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» вилоят бошқармаси ходимлари, Жиззах давлат педагогика, политехника институтлари профессор-ўқитувчилари, эколог олимлар, лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудлардаги фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда бошқа алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан вилоятнинг чўл ҳудудидаги қарийб 2000 нафарга яқин аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилади. Сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишда ОТБнинг иштироки самарали бўлаётир. Анжуманда лойиҳани амалга ошириш давомида санитария ва гигиена тадбирларини аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ўртасида кенг тарғиб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ичимлик суви таъминотининг аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги роли, санитария ва гигиена талабларини бажаришдаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланиб, амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

КЎРИК-ТАНЛОВ

«Энг намунали оила»

Обод турмуш йили муносабати билан Юнусобод тумани ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда тумандаги 58 та маҳалладан намунали оилалар иштирок этди. Танлов шартларини бекаму кўст бажарган Аҳрор Ҳайдаров, Миробид Ҳакимов, Собир Ҳотамов, Пўлат Улуғхўжаев, Аҳмад Маҳмудов ва Соипжон Маҳмудовлар оиласи «Энг намунали оила» деган номга лойиқ топилди.

Шунингдек, ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Машрабжон Эрматов оиласи «Санъаткорлар оиласи», Мўътабар Каримова оиласи «Ҳунармандлар оиласи», Равшанбек Қодирбеков оиласи «Шифокорлар оиласи», Фарида Шарипова оиласи «Педагоглар оиласи» ва Баҳром Абдужалилов оиласи «Спортчилар оиласи» номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

Ғолибларга эсдалик совғалари ва сертификатлар топширилди. Тадбир сўнгида «Ҳаёт орзуси» фильми намойиш этилди.

Мухбиримиз.

БАНДЛИК

Тадбиркорлик имконияти

Бундан икки йил муқаддам Олтинсой туманидаги «Хўжасоат» маҳалла фуқаролар йиғинининг Сайрак адир гузарида гишт ишлаб чиқариш цехи ишга туширилганди.

Дастлаб маҳалла ёшларидан 4 нафари билан иш бошлаган «Хўжасоат ирмоғи» корхонасида бугунги кунда 12 нафар йигит меҳнат қилмоқда. Яқинда корхона раҳбари Раҳмат Ортиқов «Агробанк»дан 100 миллион сўм кредит олиб, хориждан янги ускуналар келтирди. Бу эса, ишчилар юмушини енгиллаштириб, меҳнат унумдорлигини оширди.

— Цехда бир кеча-кундузда ўн минг дона гишт ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Р.Ортиқов. — Ютуқлардан руҳланиб, оҳак, қурилиш материаллари, тикув цехлари ва тўйхона бунёд этишни режалаштирганмиз.

Албатта, бунинг натижасида маҳалла ёшлари учун янги иш ўринлари ташкил этилади.

Муҳаммаджон АЗИМОВ
«Mahalla»

МАСЪУЛ КОТИБ ФАОЛИЯТИДАН

ЭЗГУ МАҚСАД ИШГА УНУМ, УМРГА ФАЙЗ БЕРАДИ

Масъул котиб Қумри Расулова бугун ҳам ишдан кеч қайтди. Кечки овқатдан сўнг фарзандларининг дарсларини суриштирди, кундалик дафтарларини кўздан кечирди. Нуридийдалари билан суҳбатлашиб, чарчоғи ҳам аригандек бўлди. Бугун бажарилган юмушлар опанинг кўз олдидан бирма-бир ўта бошлади...

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғини намунали масканлардан. Ҳудуддаги 16 та кўчада 3162 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бирининг ўз қувончи, шодлиги, муаммою ташвишлари бор. Шодликка шерик бўлиш, муаммони имкон қадар бартараф этиш йиғин фаолларининг зиммасидаги асосий вазифалардан. Демак, ҳар бир оила бошлиғи билан кенгашиб, ишни бамаслаҳат ташкил этиш зарур. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

Маҳалла масъул котиби эртага эрталаб йиғин раиси Алишер Тўхтаалиев билан галдаги юмушлар хусусида маслаҳатлашади ва фуқароларни қабул қилиб, уларнинг талаб ва таклифларини эшитади.

— Масъул котиблик, номидан ҳам англашилиб турганидек, ўзига яраша масъулият талаб этадиган лавозим, — дейди Қ.Расулова. — Бу ишда ҳужжатларни юритиш, ҳукуматимизнинг қарор ва фармонлари билан мунтазам танишиб бориш, маҳалла ҳаётини яхши билиш зарур. Айрим маҳалладошларимиз ночор аҳволга тушиб қолсалар-да, йиғинга мурожаат қилишга тортинишади. Кўча бошлиқлари, қўни-қўшнилар ёрдамида ана шундай инсонларни топиб, уларга кўмаклашамиз.

Масъул котиб вазифалари сирасида тавсифнома ва хорижга чиқувчилар учун берилган ҳужжатларни қайд этиб бориш ҳам кўзда тутилган. Шу боис Қумри опанинг саъй-ҳаракати билан бир неча маҳалладошларининг одам савдоси қурбонига айланиши олди олинди. Чет элга отланган маҳалладошларини сафар хатарларидан огоҳ этиш, зарур бўлганда йўлдан қайтариш осонмас. Бунинг учун у маслаҳатчи Озода Аҳмаджонова билан биргаликда таъсирчан тарғибот усулларидан фойдаланишади. Ҳаётий мисоллару одам савдоси иллатига қарши курашни тарғиб этувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳам бу борада қутилган натижаларни бераётир. Аксарият маҳалладошларнинг «хориж орзуси»дан воз кечиб, аризаларини қайтариб олганликлари ҳам юқоридаги фикримизга далилдир.

— Қумри Расулова — жонкуяр аёл, — дея суҳбатга қўшилди Уккоша кўчаси 27-уйда яшовчи Дилноза Хўжаева. — Маҳалламиз хотин-қизлари опанинг фаолиятидан мамнун. Камина у кишининг тавсияси билан ҳудуддаги тикувчилик цехига ишга жойлашдим, рўзғоримга барака кирди.

«Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Қ.Расулованинг ҳар бир иш куни қатъий режага асосланади. Шу боис қачон қараманг, масъул котибни қизғин иш устида учратасиз: раис билан бамаслаҳат фуқароларнинг арзларига қулоқ тутади, тегишли маслаҳат ва тавсияларини беради, ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. У ҳудудда амалга оширилаётган тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам бош-қош.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Ибрат»лик тиниб-тинчимас Қ.Расулованинг иш фаолиятидан кўпчилик ибрат олса арзийди. Ҳар тонг холис ният билан ишга отланган масъул котиб бу йўлда чарчоқ ва толиқиш нималигини билмайди. Зеро, эзгу мақсад билан иш кунини бошлаган кишининг меҳнати унумли, ҳаёти эса тотли бўлади.

Фаррух АБДУСАМАДОВ.

«ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

Яқинда мактабимизда Республика Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви, халқ таълими бошқармаси ва бир қанча нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида «Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори» мавзусида тадбир ўтказилди.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг замонавий фан-техника сир-асрорларини чуқур ўрганишлари учун барча шарт-шароит, кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, фарзандларимизни маънавий жиҳатдан баркамол, халқимизнинг қадим қадриятларини, инсоний фазилатларини улуғлайдиган шахс бўлиб етишишларида «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

Мактабимиз Урганч шаҳри «Машъал» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Фуқаролар йиғини билан мустаҳкам ҳамкорлик туфайли турли маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги тобора ортиб бормоқда. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Оилада шарқона одоб», «Маҳалла — қадрдон маскан», «Фарзандлар — юрт кўрки, оила таянчи» сингари муҳим мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатларида маҳалла фаоллари мунтазам иштирок этиб келаётир. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ўқувчилар давоматини яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун ўзлари қизиқкан тўгаракларга жалб қилишда маҳалла фаоллари кўмагини аяшмаяпти.

Воҳадаги ибратли таълим масканларидан бўлгани боис мактабимизда республика миқёсида қатор ўқув-семинарлар, нуфузли анжуманлар ўтказиб келинади. Ўқув хоналари кенг, ёруғ ва шинам, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс маркази, спорт зали, маънавият ва маърифат хоналарида ўқувчилар учун барча қулайликлар муҳайё.

Ҳамкорлигимиз самараси ўлароқ, ўқувчиларимиз ўртасида бирорта ҳуқуқбузарлик ёки жиноий хатти-ҳаракатлар кузатилгани йўқ. Оила тинч бўлса, фарзандлар таълим-тарбияси ҳам кутилган натижани беради. Шу мақсадда бола тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган айрим ота-оналар фуқаролар йиғинида мактабимиз вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга жамоатчилик таъсири ўтказилиши, зарур ҳолларда бундай оилаларга маҳалла фаолларининг бириктирилиши турли нохуш воқеаларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни кунларда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ҳамда ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишига астойдил ҳаракат қиляпмиз. Вилоят бўйича 9-синфни битирган 30 минг нафардан зиёд ўқувчини 85 та касб-ҳунар коллежи, 6 та академик лицейга жалб қилиш борасида олиб борилган ишлар эътиборга молик. Жумладан, вилоятимизда Япония давлатининг кредити асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган иккита, Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида қурилиш ва енгил саноат йўналишида учта, Польша ҳукуматининг кредити асосида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишида еттита, Жанубий Кореянинг кредити бўйича йигирма битта коллеж замонавий ўқув- техника воситалари билан жиҳозланди. Урганч, Хива, Ҳазорасп тиббиёт коллежлари «Саломатлик дастури» бўйича Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Педагог ва муҳандис кадрлар хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтишди.

Эндиликда воҳамиз умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчилар ана шундай кўркам коллежлар, лицейларда таҳсил оладилар. Мактабимизни битирган 80 нафар ўқувчи аллақачон келгусидаги режаларини белгилаб олган. Улардан уч нафари ҳарбий лицей, 35 нафари туризм ва тадбиркорлик, 5 нафари нефть-газ, 20 нафари қурилиш, 8 нафари иқтисодиёт, 10 нафари тиббиёт ва бошқа соҳаларда сабоқни давом эттириш ниятида.

«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» доирасидаги тадбирларда вилоятдаги умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган тўгараклар аъзолари томонидан ясалган буюмлар кўргазмаси намойиш этилди. Шунингдек, ёш спортчилар беллашди. Тўгараклар ишини таътил кунларида ҳам давом эттириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ва мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ўтказишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Марямжон ЮСУПОВА,
Урганч шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби директори.

Оғуфурушлар ушланди

Москва вилоятида Қирғизистондан келтирилган 18,5 килограмм героин мусодара қилиниб, тўрт нафар гумондор қўлга олинган.

Дастлабки терговда жиноий гуруҳ героинни Афғонистондан Қирғизистонга, сўнг Россияга олиб келиб соттани аниқланди.

Украинада эса, 74 килограмм гиёҳванд моддаларини чегарадан олиб ўтаётган Латвия фуқароси ушланган.

Ҳозирда суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳалокатли ҳарорат

Ҳиндистонда ҳаво ҳарорати 46,2 даражага кўтарилди.

Об-ҳавонинг икки ойдан буён ҳаддан зиёд исиб кетиши аҳолини саросимага солиб қўйган. Чунки апрель ойидан буён айнан ана шундай ноқулай об-ҳаво туфайли 600 нафардан зиёд одам ҳалок бўлган, дея хабар беради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

Юзлаб кишилар шифохонага ётқизилган. Пойтахт Деҳлида ҳарорат кундузи 42 даражагача кўтариляпти. Бундай шароитда яна кўплаб одамлар жабр кўриши тахмин қилинмоқда.

Антиқа байрам

Севастополда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан учинчи марта коляскалар паради ўтказилди.

Унда 40 дан зиёд оила қатнашди. Ушбу параднинг қизиқарли жиҳати шундаки, ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун қулай ва бежирим коляска ихтиро қилиб, парадда боласи билан шу коляскада ўтиши керак.

Бу йилги танловда «Шоҳлар оиласи» деб номланган коляска ихтирочилари ғолиб бўлишди. Унинг кўриниши қирол тожини эслатади.

Интернет хабарлари асосида
Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

«ЁЗ — 2013»

Таътил марокли ўтади

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан юртимизда ёзги таътил даврида фарзандларимизни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Сўнгги йилларда оромгоҳлар нафақат болаларнинг жисмоний соғломлаштириш марказларига, балки уларнинг маънавий-интеллектуал даражасини ошириш масканларига айланди.

Ўтган йили 30 дан ортиқ оромгоҳ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди ва 3 та янги оромгоҳ қурилиши бошланди. Жорий йилда 2 та янги оромгоҳ барпо этиш, 15 тасини реконструкция қилиш ва 19 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

— Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Натижада оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш, уларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, дам олиш масканларига малакали педагог ва тиббиёт ходимларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий мавсумда юртимиз бўйича 1000 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилади. Хусусан, 210 та стационар турдаги, 790 та кундузги, яъни мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қошидаги оромгоҳлар, шу жумладан, 50 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Уларда мавсум давомида 270 минг 350 нафардан ортиқ ўғил-қиз соғломлаштирилади. Бу ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафарга кўпдир.

Дарҳақиқат, бу йилги мавсумда ихтисослаштирилган оромгоҳлар сони ортиши билан бирга, улар мазмунан бойитилди ҳам. Хусусан, тажрибада ўзини оқлаган «Интеллектуал ривожлантириш», «Тарбия ва спорт», «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари билан бир қаторда, жорий йилда «Экологик-биологик», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик», «Ижтимоий мослашув» оромгоҳлари ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, «Тарбия ва спорт» оромгоҳларига болалар жойлардаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари билан ҳамкорликда жалб этилади.

Анжуманда таъкидланишича, давлатимиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болаларни имтиёзли соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 600 нафар ўғил-қизи имтиёзли асосларда соғломлаштирилади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди уларнинг барча молиявий харажатларини зиммасига олган. Шунингдек, бу йил ҳам анъанавий равишда 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари бепул соғломлаштирилади, Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси имтиёзли оромгоҳларда дам олади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

СПОРТ

Футбол

Ғалаба биз томонда

20 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси пойтахтимизда ўқув-машғулот йиғинини ўтказаётган Ироқ ёшлар терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Ҳамюртларимиз устунлигида ўтган беллашувда Аббосбек Махситалиев ҳамда Диёр Туропов биттадан тўп киритиб, терма жамоамизнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Дзюдо

«Мастерс»дан медаль

Россиянинг Тюмень шаҳрида ўтказилган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда 41 мамлакатдан 199 нафар спортчи иштирок этди.

Мусобақада 73 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Мирали Шарипов грузиялик Зебеда Рехвиашвили, бельгиялик Дирк Ван Тишелт ва жамоадоши Наврўз Жўрақобиловни мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

Эркин кураш

Полвонлар баҳси

Россиянинг Каспийск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 180 нафардан зиёд полвон беллашди.

Энг оғир — 120 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Қурбон Қурбонов венгриялик Рихард Чехчиг, россиялик Магомед Ташагаджиев ҳамда Арсланбек Алиевни енгиб, учинчи ўринни эгаллади.

КЎРГАЗМА

Эски шаҳар фарзандиман

Ўзбекистон Давлат санъат музейида график рассом, педагог Фатҳулла Ҳайитовнинг «Эски шаҳар фарзандиман» номли кўргазмаси очилди.

Бугунгача рассомнинг бир қанча асарлари Германия, Испания, Россия каби давлатлардаги нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган ва санъат ихлосмандлари томонидан юқори баҳоланган.

Кўргазмага қўйилган «Эски шаҳар» туркумидаги «Тандирчилар», «Сандиқчилар», «Чойхона», «Олтин куз», «Бозор таровати», «Тўй» ва бошқа асарларда пойтахтимизнинг эски шаҳар мавзесидаги файзли маҳаллалар, равон кўчалар, муборак қадамжолар ўрин олган.

— Эски шаҳарда туғилиб, вояга етганим учун бу ер ижодимда катта ўрин тутади, — дейди рассом. — Болалик хотираларим, ёшлик жўшқинликлари эски шаҳар билан боғлиқ. Бу гўшада яшайдиган танти, олижаноб ва меҳнаткаш инсонлар, уларнинг ўзига хос урф-одатлари, шунингдек, меъморий обидалар мен учун жуда қадрли. Шу боис бу гўшага меҳр-муҳаббатимни асарларим орқали акс эттиришга уриндим.

Рассомнинг кўргазмага қўйилган «Болалик» туркумидаги асарларида бегубор болалик, ёшлик йилларидаги таассуротлари акс этган. «Бешикчилар» асарида ёши улуғ йўловчи отахонга йўл кўрсатаётган болакай тасвирланган. Тарихдан маълумки, ўзбек оиласида болаларни жинси, миллати, динидан қатъи назар, ёши улуғ инсонларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга ҳаракат қилинган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

МУЛОҚОТ

Узоқ умр кўриш сири

Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг геронтология ва гериатрия бўлими, Республика Ибн Сино жамоат фонди Хоразм Маъмун академияси билан ҳамкорликда замонавий геронтология масалаларига бағишлаб илмий анжуман ўтказди.

Узоқ умр кўриш сир-асрорлари инсониятни қадимдан ўйлантириб келаётган муаммолардан. Азалдан соғлом ва бақувват бўлиш билан бирга узоқ умр кўриш мақсадида кўплаб тажрибалар ўтказилган.

Анжуманда олимлар узоқ умр кечириш омиллари, тўғри овқатланиш, гиёҳлардан фойдаланиш, саломатлик учун зарур янги дармондорилар, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мухбиримиз.

БОЛАЛАР СПОРТИ

КЕЛАЖАККА РАҒБАТ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

< [1]

Вилоятда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан қурилган ва жиҳозланган барча спорт майдончалари ҳолати махсус ишчи гуруҳи томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилди. Жорий йилда 14 та болалар майдончасини тиклаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Обод турмуш йилининг биринчи чорагида ҳомийлар ҳисобидан 7 миллион сўмлик иш бажарилиб, 2 та болалар майдончаси ташкил этилди. Шунингдек, Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Зомин, Зафаробод туманларида болалар спорт майдончаларини таъмирлашда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун таълим муассасаларида, маҳаллаларда яратилаётган имкониятлар маҳалла ёшлари ўртасида «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» ва бошқа мусобақаларни юқори даражада ўтказиш имконини бераётир. Айни кунларда «Футболимиз келажаги» мусобақасининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Ўтган йили мазкур мусобақаларнинг вилоят босқичида 34 та маҳалла жамоаси қатнашди. Бу эса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибордан далолат.

— «Футболимиз келажаги» мусобақасида вилоят босқичида маҳалламизнинг 13-14 ёшли болаларидан ташкил топган «Дўстлик» жамоамиз 11 та жамоа орасида биринчи ўринни олиб, Наманган шаҳрида ўтказилган якуний ўйинларда қатнашди, — дейди Жиззах туманидаги Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Расулов. — Жамоамиз республика босқичида юқори ўринни ололмаган бўлса-да, унда қатнашишнинг ўзи болаларимизнинг қалбида спортга муҳаббат, ғурур ва ишонч туйғусини уйғотди.

Фондним вилоят бўлими бошқаруви ва унинг шаҳар, туман бўлинмалари спорт иншоотлари қуриш, мусобақаларни ташкил этишда ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар кўмагидан самарали фойдаланаётир. Ана шундай ҳамкорлик натижасида кейинги йилларда Пахтакор, Галлаорол, Зомин, Зарбдор, Жиззах туманларида ҳашар йўли билан болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Болалар спортига маҳаллада, оилада берилаётган эътибор ўзини тўлиқ оқлаётганини вилоят ёш спортчиларининг турли халқаро ва республика миқёсидаги йирик мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари ҳам кўрсатиб турибди. Улар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Болалар спорти тизимидаги муассасаларнинг спортчилари республика мусобақаларида, Халқаро турнирларда эришаётган натижалари йил сайин яхшиланиб бораётир. Маҳаллада болалар спортини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар баркамол авлодни вояга етказишга салмоқли ҳисса қўшиш билан бирга Ватанимизни дунёга танитадиган спортчиларни етиштиришга ҳам мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
23690 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7267 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00